АДАБИЙ ТАЪЛИМ -ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АҚЛИЙ ВА РУҲИЙ КАМОЛОТИ ВОСИТАСИ

Л.Жалолова

В статье рассмотрена роль обучения литературе в интеллектуальном и духовном развитии учеников

In clause the role of training to the literature in intellectual and spiritual development of the schoolboys is considered.

Ёшларни Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этишга сафарбар қилиш Истиқлол ғоясининг олий мақсади ҳисобланади. Бунинг учун янгича, эркин фикрлайдиган, мустақил мулоҳазага эга бўлган, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, қонунларни ҳурмат қилиш, эл-юртга фидойилик, иймон-эътиқод, бунёдкорлик, инсоф-диёнат, ҳалоллик, саховат каби юксак маънавий туйғуларни шакллантиришдан иборат истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларини бажариш талаб этилади.

Ҳозирги таълим тизимининг йўналишлари ана шу олий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб белгиланган. Ёшларда Ватанга садоқат, юрт тинчлигини сақлаш туйғусини тарбиялашда ватанпарварлик ғоясини сингдириш, яъни ёш авлод фаолиятининг юксак маънавият меъзонини ишлаб чиқиш керак. Бу биз, маънавият ва маърифат ходимларидан, миллий истиқлол ғоясининг тарғиботчилари сифатида амалий фаолият воситалари, услуб ва шаклларини пухта эгаллашимизни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти эркин ва мустақил фикрлашнинг катта бойлик эканлигини бежиз таъкидламаган. Эркин фикрлаш, миллий тафаккур ва тил ўзаро узвий боғлиқдир. Бу диалектик боғлиқликни рўёбга чиқарувчи энг қудратли восита – тилдир. Ўз фикрини гўзал ва аниқ, равон ва изчил ифода этадиган ёшларни тарбиялаш Миллий дастуримизнинг бош мақсади ҳисобланади.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш мақсадида ўқув-тарбиявий жараёнга илғор педагогик технологияларни, таълимнинг янги шакл ва услубларини жорий этиш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланган. “Таълим тўғрисидаги Қонун”да ҳам янги аср авлодида Комил Инсон шахсини тарбиялаш таълим соҳасидаги асосий мақсад экани кўзда тутилган. Шуни таъкидлаш жоизки, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ўқитиш усулларини тубдан янгилаш зарурлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ўқитувчининг вазифаси ўқувчи шахсида идрокли билим соҳибини шакллантириш, ижодий мулоҳаза юритишга йўл кўрсатишдир.

Бунинг учун ёшларда, биринчи навбатда, ақлий қувватни ошириш керак. Ҳазрат Навоий шундай ёзадилар:

Кишининг бу вақт иккидур ҳолати,
Эрур ақли ё нафсининг қуввати.

Олимларимиздан бирининг кузатиши ва таъкидлашича, Алишер Навоий асарларида ақл сўзи жуда кўп ўринда қўлланилиб, унинг йигирма етти даражаси ва йигирма етти сифати маълум қилинади. Демак, ақлнинг ўзи битта, лекин одамларнинг ақлий даражалари ҳар хил. Навоий ҳазратлари ақл эгаларини "ақли худбин" ва "ақли некбин" тарзида иккига ажратадилар. Некбин ақл эгаларидаги ақл инсониятга эзгулик келтиради, худбин ақл эгаларидаги ақл фақат унинг ўзигагина наф келтиради.

Бизнинг вазифамиз эса некбин ақл эгаларини тарбиялаш, уларга назарий билимлар бериш асосида интеллектуал салоҳиятини ошириш, амалий билимлар билан яхши ишларни бажаришга даъват этиш, шу йўл билан уларнинг инсоний фазилатларини ривожлантириш, ҳар томонлама етук, маънавий баркамол, бир сўз билан айтганда, комил ёшларни тарбиялашдир. Ушбу вазифани бажаришда **адабиёт ва адабий таълим ўқувчиларнинг ақлий ҳамда руҳий камолот воситаси** сифатида муҳим ўрин тутадики, ундан самарали фойдаланиш зарур. Бунинг учун эса, аввало, адабиёт дарсларининг замон талабига мос, дарс жараёнида ўқувчининг тайёр билимларни олувчи пассив тингловчи эмас, фаол мушоҳада эгаси бўлиши талаб этилади. Ушбу талабларнинг бажарилишида таълимнинг ноанъанавий усулларидан кенг ва ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кутилган натижаларга эришишда адабий таълимда ҳар бир мавзуга мос дарс турини белгилаш муҳимдир. Дарс турлари ва шаклларининг хилма-хиллиги эса ўқитувчидан юксак малака, касбий маҳорат, ижодийлик ва изланувчанлик талаб этади. Ижодкор ўқитувчи эркин, мустақил фикрловчи ўқувчини шакллантиради. Шу маънода қуйида ўқувчилар билимини ошириш ва мустақил тафаккурини ўстиришга қаратилган айрим ноанъанавий усулларни кўриб ўтамиз.

Адабиёт дарсларида бадиий асарларни ўрганиш жараёнида ундаги тимсолларнинг ижобий ва салбий томонларини изоҳлаб беришда «Т-чизма» усулидан фойдаланиш мумкин. Бу усулда таққослаш образлар характерининг аниқ ва равшан тушунилишига, изоҳланишига ёрдам беради. Мисол: "Ўткан кунлар" романидаги Зайнаб тимсоли тавсифи қуйидаги шаклда изоҳлаб борилади (бунда гуруҳ аъзоларидан қуйидаги жадвални тўлдириб, ўз фикрини оғзаки асослаб, асардан олинган далиллар билан исботлашлари талаб этилади). Масалан:

Зайнаб

Ижобий фазилатлари	Салбий томонлари
…	…

Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" қиссасидаги Шум бола, Ҳожи бобо, Домла, тимсоллари ҳам шу усул асосида ўрганилиши мумкин.

Матн устида ишлаш жараёнида "Башорат чизмаси" усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу усулни қўллаш тартиби қуйидагича:

Ҳикоя (ёки матн) қисмларга бўлиб ўқитилади. Ҳар бир қисм ўқиб бўлингач, қуйидаги жадвал тўлдириб борилади:

Нима содир бўлади деб ўйлайсиз?	Сизда қандай далил бор?	Аслида нима содир бўлди?
...	...	...

Матнни уч ёки тўрт тўхтам билан ўқиш, юқоридаги жадвал асосида саволларга ихчам, лўнда жавоблар ёзиб бориш сўралади. Бу усул ўқувчиларнинг мушоҳадасини ўстиради, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, олдиндан кўра билиш, ҳис қилишга, сезишга, зийракликка, синчковликка, келажакни ўйлашга ўргатади.

Дебат-баҳс, мунозара усули инсондаги туғма қизиқиш асосида дунёга келган. Дебатлар кўп нарсага ўргатади, чиндиллик мажбурияти ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромни юзага келтиради.

Адабиёт дарсларида дебат-баҳс бошланишидан аввал томонлар амал қилиши лозим бўлган қуйидаги талаблар ёзиб қўйилади:

1. Ўзгалар сўзини бўлмаслик. 2. Фикрни қисқа ва аниқ баён қилиш. 3.Хушмуомалалик. 4.Регламентга амал қилиш. 5.Ўзаро ҳурмат.

Шу талаблар асосида баҳс олиб борилади. Бу усударснинг фикрлаш босқичида қўлланилади. Масалан, «Ўткан кунлар» романи бўйича дебат қуйидагича саволлар асосида ўтказилиши мумкин:

1. Кумуш ва Отабек севгиси нима учун завол топди? Бунга ким сабабчи деб ўйлайсиз?

2. Зайнаб тимсолига муносабатингиз? Унинг ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлардингиз?

3. «Ота-она орзуси»га қандай қарайсиз? Сиз Ўзбек ойимсиз... Нима қилган бўлардингиз?

Дебат-баҳс усулининг аҳамияти шундаки, у ўқувчиларнинг эркин, мустақил ва танқидий фикрлаш, танлаш, хулоса чиқариш, баҳолаш қобилиятини ривожлантиради.

Юқоридагича саволлар асосида ўтказилган баҳсларда ўқитувчи асосли, мантиқан кучли жавобларни алоҳида таъкидлайди, рағбатлантиради. Ҳар бир ўқувчининг ўз мустақил фикрига эга бўлишига, ўз фикрини ҳимоя қила олишига эришади.

«Мунозаралар тўри» усули дебатнинг бир кўринишидир. Унда бирор матн ўқилгач, дебат талаблари асосида «Ҳа» ва «Йўқ» гуруҳлари ўзаро баҳс юритадилар. Бу усулни охири очиқ қолдирилган матнларни ўрганиш жараёнида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асари ўқилгач, бу усулни қуйидагича қўллаш мумкин:

1. Шум бола уйдан кетгач, нима қилмоқчи эди? У тўғри йўл тутдими?
2. Унда ижобий фазилатлар кўпми ёки салбий хусусиятларми?
3. Шум бола охирида нима демоқчи эди? Уни ким бўлиб етишади, деб ўйлайсиз, нима учун?

Гуруҳ аъзолари ўз фикрларини ҳимоя қиладилар. Бу баҳс ҳам умумий тарздаги баҳс бўлмай, томонлар ўртасида бўлиб ўтади, у ўқувчиларни ўз фикрини асослаб беришга, келажак ҳақида мушоҳада қилишга ўргатади.

Хулоса қилиб айтганда, дебатлар ўқувчиларнинг танқидий ва ташкилий малакаларини, нутқ бойлигини, қулоқ солиш (тинглаш) ва ёзма қайд этиш ҳамда даврада ўз фикрини тақдим этиш кўникмасини ривожлантиради.

Хулоса қилиб айтганимизда, юқоридагидек ноанъанавий усуллар асосида ёшларда ижодий шахс сифатлари ривожлантирилади, уларда муаммоларни аниқ кўриш, ихтирочилик ва сезгирлик хусусиятлари ўстирилади. Бу билан Ватан равнақи ва тараққиётига ўз ҳиссаларини қўша оладиган муносиб авлодни камол топтиришга замин яратилади.

Андижон давдат университети
2009 йил 15 январда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)